

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

Сўнги йилларда мамлакатимизда, энг аввало, иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, электр энергетикаси тармоғида мавжуд имконият ва салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаётганлиги кўзланган ислохотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Соғлом рақобат муҳитининг йўқлиги, сезиларли даражада квазидавлат секторнинг мавжудлиги, тариф сиёсатининг бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмаслиги давлат томонидан ҳаддан ташқари тартибга солинишига ҳамда давлат ва тижорат манфаатларининг тўқнашувига олиб келмоқда.

Ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш даражасининг пастлиги, тегишли инфратузилмани янгилаш суръатларининг сустлиги технологик йўқотишларнинг ошишига ва электр энергиясини етказиб беришда, айниқса жойларда мунтазам узилишларга олиб келмоқда.

Тармоқ корхоналарини бошқаришнинг бюрократлашган тизими ва меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланиш уларнинг иш фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини пасайтирмоқда ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг ўсишига олиб келмоқда.

Илғор хорижий тажриба, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида электр энергетикаси тармоғида давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Ҳаракатлар стратегиясига](#) мувофиқ:

1. 2018 — 2020 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, электр тармоқларини модернизация қилиш, электр энергияси ҳисоби ва истеъмолчини назорат қилишни такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» қуйидагиларни назарда тутган ҳолда [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин:

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини ишга тушириш бўйича лойиҳа қиймати 2,6 млрд. АҚШ доллари бўлган умумий қуввати 1984 МВт 7 та инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш;

жалб қилинадиган кредитлар ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан йилига умумий узунлиги 7,1 минг км бўлган янги электр тармоқларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, 2500 та трансформатор пунктларини ўрнатиш ва модернизация қилиш;

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (кейинги ўринларда — ЭЭҲО ва НҚАТ) 7 млн. истеъмолчиларни улаш, 2021 йил якунига қадар ЭЭҲО ва НҚАТ камровини абонентлар умумий сонининг 100 фоизигача етказиш;

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтлари билан келишилган, умумий қиймати 1,8 млрд. АҚШ доллари миқдорига узоқ муддатли кредитларни ўзлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Йўл харитаси»да белгиланган ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ графикларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини қатъий назоратга олиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродовга — халқаро молия институтлари ва ташкилотлардан жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни излаш ва инвесторларга, шу жумладан, ишончли бошқарувга бериладиган объектларни аниқлаган ҳолда электр энергетикаси тармоғига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Д.А. Қўчқоровга — электр энергетикаси тармоғида лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш механизмларининг сифатли ишлаб чиқирилишини таъминлаш;

«Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси У.М. Мустафоевга — лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, мазкур қарорда белгиланган объектларни қуриш ва фойдаланишга топширилишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда «Обод қишлоқ» Давлат дастурини амалга ошириш учун жалб қилинган халқаро молия институтлари қарз маблағларининг 100 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган қисмини 2019-2020 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилишга йўналтирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 февралдаги ПҚ-1705-сон ва 2012 йил 2 августдаги ПҚ-1795-сон қарорларига мувофиқ «Электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш. Ўзбекистон Республикасининг Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари 0,4 кВли истеъмолчиларининг электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш тизими» лойиҳаси (кейинги ўринларда — АСКУЭ 1-фаза) Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) «Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида электр энергияси истеъмолчини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (АСКУЭ 4-фаза) жорий этиш» лойиҳасини амалга ошириш учун кўзда тутилган Осиё тараққиёт банкининг 300 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағлари ҳисобига республиканинг бошқа ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш;

б) Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига АСКУЭ 1-фаза лойиҳасини амалга ошириш доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан ЭЭҲО ва НҚАТ маълумотларини қайта ишлаш республика ягона марказини ташкил этиш бўйича ўтказилган халқаро тендер натижаларига кўра аниқланган пудратчи — компания билан;

Республиканинг барча ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этиш учун зарур бўлган замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун халқаро танлов савдоларини ўтказиш юзасидан тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича «CESI S.P.A / AF Mercados Energy Markets International S.A / Sharifa.com» (Италия/Испания/Ўзбекистон) консалтинг компанияларининг консорциуми билан қўшимча битимлар тузиш.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Ш.А. Вафаев)га қуйидагиларни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик юклансин:

харид қилиш жараёнларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирок этишини, мамлакат ҳудудида ЭЭҲО ва НҚАТ ва ҳисоблаш қурилмаларига хизмат кўрсатиш сервис марказларини яратишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ЭЭҲО ва НҚАТни жорий қилиш учун замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари ҳисобига 2021 йил 1 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этишни яқунлаш бўйича замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш юзасидан халқаро тендер савдоларининг ўтказилишини жадаллаштириш.

«Ўзбекэнерго» АЖ маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш жараёнида, уларнинг техник параметрларининг халқаро тендер савдоларини ўтказиш учун тайёрланган тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминласин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

4. Мажбурий ижро бюроси маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олган ҳолда, электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олишни параллел молиялаштириш мақсадида 2019 йилда Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасидан 500 млрд. сўм миқдоридан солиққа тортилмайдиган маблағларни «Ўзбекэнерго» АЖга беғараз равишда ажратилишини таъминласин.

(4-банднинг биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПФ-5761-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.07.2019 й., 06/19/5761/3398-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Электр энергиясини ҳисоблаш қурилмаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 2022 йил 1 январга қадар ушбу қарор доирасида «Ўзбекэнерго» АЖ билан тузилган шартномалар бўйича етказиб бериладиган электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бутловчи қисмлар, хомашё ва материалларни олиб кирганлик учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно), шунингдек, мазкур электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4189-сонли қарорига асосан хатбоиши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2019 й., 07/19/4189/2609-сон)

5. Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) **3-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин, унга Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки гуруҳи билан биргаликда:

а) ишлаб чиқариш қувватларини 2030 йилгача 20 минг МВтга етказган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш модернизация ва диверсификация қилиш бўйича узоқ муддатли инвестициявий дастурни 2019 йил 1 майга қадар ишлаб чиқиш;

б) 2019 йил 1 мартга қадар электр энергиясини узатишда давлатнинг тўлиқ назоратини сақлаб қолган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш (сотиш) корхоналарига хусусий ҳамда хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенг жалб қилишни, шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналардан тўғридан-тўғри танлов асосида электр энергиясини сотиб олишнинг улгуржи бозорини босқичма-босқич ташкил этишни назарда тутган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил этишнинг замонавий схемасини ишлаб чиқиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида идоралараро тариф комиссиясини ташкил этишни назарда тутган ҳолда, 2019 йил 1 апрелга қадар электр энергетикаси тармоғига хусусий секторни жалб қилишни рағбатлантирувчи, электр энергиясининг жорий ва капитал харажатларини қоплашга асосланган электр энергияси тарифларини ҳисоблаш методологиясини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

г) 2019 йилда электр энергетикаси тармоғи корхоналарида корпоратив бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини

жорий этишни таъминлаш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг корпоратив облигацияларини чиқариш ва халқаро бозорларга жойлаштириш;

д) 2018 йил 1 декабрга қадар электр энергетикаси тармоғида давлат-хусусий шерикликнинг норматив-ҳуқуқий базаси, тартиб-таомиллари ва регламентини ишлаб чиқиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш;

е) мавжуд ресурс базаси, замонавий технологик тенденциялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни инобатга олган ҳолда, электр энергетикаси тармоғида салоҳиятли инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

7. Комиссия (А.Н. Арипов) 2018 йил 15 декабрга қадар, республиканинг ёқилғи-энергетика комплекси фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш билан боғлиқ барча комплекс масалаларни юклаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси «Ўзбекэнерго» АЖ ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2019 йилдан бошлаб:

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича тажриба лойиҳасини танлов асосида амалга оширишни;

халқаро молия институтлари билан биргаликда мамлакатнинг иссиқлик электр станцияларидан бирида буғ-газ қурилмасини қуриш, шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларидаги электр энергияси тарқатиш тармоқларини модернизация қилиш тажриба лойиҳасини давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишни;

халқаро молия институтлари билан биргаликда «Тошкент шаҳридаги тарқатиш тармоқларини узоқ муддатли ижарага бериш» лойиҳасини техник-иқтисодий асосларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишни бошлашни таъминлансин.

9. Белгилансинки, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ гидроэлектрстанциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси учун тўлов истеъмолчилар — жисмоний шахслар учун якуний тарифнинг 85 фоизи миқдоридида шаклланадиган тариф бўйича амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг «Ўзбекэнерго» АЖ лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун ажратилган кредитларини, тегишлича якуний тўловлар муддатини узайтириш ва қайта молиялаштирувчи банкларнинг мажбуриятларини реструктуризация қилиш билан бирга 4-иловага мувофиқ 3 йилга узайтириш;

«Чорвоқ ГЭС гидрогенераторларини уларнинг ишчи ғилдиракларини алмаштириш билан бирга модернизация қилиш» инвестициявий лойиҳасини молиялаштириш учун «Ўзбекэнерго» АЖга берилган кредитни «Ўзбекгидроэнерго» АЖга қайта расмийлаштириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарордан келиб чиқиб, «Ўзбекэнерго» АЖ мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартириш киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида «МЭИ» Миллий тадқиқот университети) (Россия Федерацияси) Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси филиалини ташкил қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

энергетика тармоғига юқори малакали менежерларни ёллаш учун кадрларни танлаш билан профессионал асосда шуғулланадиган ташкилотларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда муқобил электр энергияси ишлаб чиқарувчиларини ягона энергетика тизимига улаш тартибини такомиллаштириш ва лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

13. «Ўзбекэнерго» АЖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 апрелга қадар электр энергияси, шу жумладан, муқобил электр энергиясини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ягона энергетика тизимига улаш регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 октябрь,
ПҚ-3981-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарорига
1-ИЛОВА

2018 — 2020 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, электр тармоқларини модернизация қилиш, электр энергияси ҳисоби ва истеъмолини назорат қилишни такомиллаштириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Олдинги таҳрирга қаранг.

Т/р	Белгиланган чора-тадбирлар	Лойиҳа қиймати ва молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
I. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва янги қувватларни жорий этиш					

1.	«Тахиатош ИЭС»да 230 — 280 МВт қувватга эга 2 та буғ-газ қурилмасини қуриш».	678,2 млн. АҚШ долл. ш.ж., 300 млн. долл. — ОТБ маблағлари, 230,7 млн. долл. — ЎзРТТЖ маблағлари, 120,2 млн. долл. — Давлат бюджети маблағлари, 27,3 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	Қурилиш майдончасига 1-рақамли ва 2-рақамли газ турбиналарини етказиб бериш. Қурилиш майдончасига 1-рақамли ва 2-рақамли буғ-газ турбиналарини етказиб бериш. 1-рақамли буғ-газ қурилмасини ишга тушириш (230 МВт). 2-рақамли буғ-газ қурилмасини ишга тушириш (280 МВт).	2018 йил ноябрь 2019 йил июль 2020 йил июнь 2020 йил сентябрь	«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Давлат инвестиция қўмитаси, ЎзРТТЖ (Вафаев), Молия вазирлиги (Хайдаров) ДБК (Азимов)
2.	450 МВт қувватга эга иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш орқали «Навоий» ИЭСни кенгайтириш.	547,3 млн. АҚШ долл. ш.ж., 351,4 млн. долл. — ЛСА маблағлари, 150 млн. долл. — ЎзРТТЖ маблағлари, 45,9 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	Қурилиш майдончасига буғ турбиналари, совутиш ускунаси, насос ва қозон модулларини етказиб бериш. Очиқ циклдаги буғ турбинасидан фойдаланишни бошлаш (250 МВт). Буғ-газ ускунасининг йиғма циклини ишга тушириш (200 МВт)	2018 йил ноябрь 2019 йил январь 2019 йил декабрь	«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Давлат инвестиция қўмитаси, ЎзРТТЖ (Вафаев), ДБК (Азимов)

3.	«Сирдарё ИЭС энергоблокларини босқичма-босқич модернизация қилиш».	<p>219,4 млн. АҚШ долл. ш.ж., 132 млн. долл. — «Внешэкономбанк» маблағлари, 44,5 млн. долл. — тижорат банклари кредитлари, 42,9 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари</p>	<p>Лойиха доирасида кредит шартномаларини тузиш.</p> <p>Кредитлар бўйича Давлат кафолатларини расмийлаштириш.</p> <p>Давлат кафолатлари бўйича юридик хулосаларни олиш.</p> <p>3-рақамли ва 4-рақамли энергоблокларни ишга тушириш (қўшимча 50 МВт кувват).</p> <p>5-рақамли ва 6-рақамли энергоблокларни ишга тушириш (қўшимча 50 МВт кувват).</p> <p>9-рақамли ва 10-рақамли энергоблокларни ишга тушириш (қўшимча 50 МВт кувват).</p>	<p>2018 йил ноябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p> <p>2019 йил ноябрь</p> <p>2020 йил ноябрь</p> <p>2021 йил ноябрь</p>	<p>Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Молия вазирлиги (Хайдаров)</p> <p>«Ўзсаноатқурилишбанк» (Воитов)</p> <p>«Ўзмиллийбанк» (Мирсоатов)</p>
4.	«Толимаржон ИЭС»да қуввати 900 МВтдан кам бўлмаган 2 та БГҚ қуриш».	<p>Маблағлар миқдори ва манба аниқланмоқда</p>	<p>Лойихани амалга ошириш учун тадқиқот ишларини олиб бориш.</p> <p>Лойиханинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш.</p> <p>Лойиханинг техник-иқтисодий асосини экспертизадан ўтказиш.</p> <p>Лойиханинг техник-иқтисодий асосини тасдиқлашга қаратилган ҳукумат қарорини қабул қилиш.</p>	<p>2018 йил декабрь</p> <p>2019 йил март</p> <p>2019 йил апрель</p> <p>2019 йил апрель</p>	<p>Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Молия вазирлиги (Хайдаров)</p>

			<p>Бош пудратчини белгилаш бўйича тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва тендер савдоларини ўтказиш.</p> <p>Курилиш майдончасига 1-рақамли ва 2-рақамли газ турбиналарини етказиб бериш.</p> <p>1-рақамли буғ-газ қурилмасини ишга тушириш (450 МВт).</p> <p>2-рақамли буғ-газ қурилмасини ишга тушириш (450 МВт).</p>	<p>2019 йил август</p> <p>2020 йил апрель</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	
5.	«Тўрақўргон ИЭСни қуриш».	<p>1 195,9 млн. АҚШ долл.</p> <p>ш.ж., 606,7 млн. долл. — ЛСА маблағлари</p> <p>255,2 млн. долл. — ЎзРТТЖ маблағи,</p> <p>278,2 млн. долл. — Давлат бюджети маблағлари,</p> <p>55,8 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари</p>	<p>Курилиш майдончасига 1-рақамли ва 2-рақамли газ турбиналарини етказиб бериш. 1-рақамли буғ-газ қурилмасини ишга тушириш (450 МВт).</p> <p>2-рақамли буғ-газ қурилмасини ишга тушириш (450 МВт).</p>	<p>2018 йил декабрь</p> <p>2019 йил сентябрь</p> <p>2019 йил декабрь</p>	<p>«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев),</p> <p>Давлат инвестиция қўмитаси,</p> <p>ЎзРТТЖ (Вафаев),</p> <p>Молия вазирлиги (Хайдаров)</p> <p>ДБК (Азимов)</p>

6.	«Тошкент ИЭС»да қуввати 27 МВт бўлган 2 та газтурбина қурилмаларини ўрнатиш».	Маблағлар миқдори ва манбаи аниқланмоқда	Консултантни аниқлаш бўйича тендер савдоларини ўтказиш ва қисқа рўйхат қатнашчилари ўртасида ғолибни аниқлаш. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини экспертизадан ўтказиш. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тасдиқлаш ва ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш. Бош пудратчини танлаш бўйича тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдоларини ўтказиш. Қурилиш майдончасига 1-рақамли ва 2-рақамли газ турбиналарини етказиб бериш. 1-рақамли газ турбинаси қурилмасини ишга тушириш. 2-рақамли газ турбинаси қурилмасини ишга тушириш.	2019 йил март 2019 йил март 2019 йил май 2019 йил июль 2020 йил сентябрь 2021 йил май 2022 йил сентябрь 2022 йил декабрь	Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Молия вазирлиги (Хайдаров)
----	---	--	--	---	---

7.	<p>«Фарғона ИЭС ва Фарғона РК-3 иссиқхонасида юкори самарадор когенерацион газ турбинаси технологияларини жорий этиш» (умумий қуввати 24 МВт).</p>	<p>83,6 млн. АҚШ долл. ш.ж., 49,6 млн. долл. — Япония янги энергетика ва саноат технологияларини ривожлантириш ташкилоти маблағлари, 34 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари</p>	<p>РК-3 қурилиш майдончасига қуввати 7 МВт когенерацион газ турбина ускуналарини етказиб бериш. ГТУ когенерацион газ турбина ускуналарини ишга тушириш. Қурилиш майдончасига қуввати 17 МВт бўлган когенерацион газ турбина ускуналарини етказиб бериш. ГТУ когенерацион газ турбина ускуналарини ишга тушириш.</p>	<p>2019 йил март 2019 йил декабрь 2020 йил июль 2021 йил январь</p>	<p>«Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), Давлат инвестиция кўмитаси (<i>Вафоев</i>), ДБК (<i>Азимов</i>)</p>
8.	<p>«Тошкент ИЭСнинг 6 та, Навоий ИЭС — 4та, Тахиатош ИЭС — 2 та Янги Ангрен ИЭС — 5 та энергоблокларини модернизация қилиш (қўшимча 1 355 МВт)».</p>	<p>Маблағлар миқдори ва манбаи аниқланмоқда</p>	<p>Асосий усқунанинг техник ҳолатини ўрганиш. Модернизация қилиш учун техник топшириқларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил декабрь 2020 йил сентябрь</p>	<p>«Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), «МЭК» АЖ (<i>Муратов</i>)</p>

9.	<p>Тошкент ИЭС ва Навоий ИЭСда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи янги қувватларни, шунингдек, лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга оширишнинг аниқ механизмларини белгилаган ҳолда, янги бошқариш қувватларини қуриш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик юзасидан таклифларни киритиш.</p>	<p>Маблағлар миқдори ва манбаи аниқланмоқда</p>	<p>Кўшимча электр энергиясини ишлаб чиқарувчи кўшимча қувватларни ишга тушириш бўйича таклифларни тайёрлаш. Лойиҳаларни молиялаштириш бўйича халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш. Салоҳиятли хорижий инвесторларни излаш ва белгилаш.</p>	<p>2019 йил июль 2019 йил август 2019 йил ноябрь</p>	<p>Давлат инвестиция қўмитаси (<i>Вафоев</i>), «Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>Ходжаев</i>)</p>
10.	<p>2019 — 2024 йилларда йирик шаҳарларда жойлашган иссиқхоналарда газ турбиналарини ўрнатиш, шу жумладан, хусусий инвесторларни давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш бўйича таклифларни киритиш.</p>	<p>Маблағлар миқдори ва манбаи аниқланмоқда</p>	<p>Йирик шаҳарлар иссиқхоналарида газ турбиналарини ўрнатишни жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш. Лойиҳанинг техник-иқтисодий ечимини ишлаб чиқиш. Лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш. Салоҳиятли хорижий инвесторларни излаш ва белгилаш.</p>	<p>2018 йил декабрь 2019 йил март 2019 йил июнь 2019 йил июнь</p>	<p>УЖКХКВ (<i>Салиев</i>), «Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), Давлат инвестиция қўмитаси (<i>Вафоев</i>)</p>
II. Электр тармоқларини модернизация қилиш					

11.	Эскирган ускуналарни модернизация қилиш (220 — 500 кВ қувватга эга 22 та кичик станциялар).	292,1 млн. АҚШ долл. ш.ж., 150 млн. долл. — ХТТБ (ХТА) маблағлари, 66,8 млн. долл. — Давлат бюджети маблағлари, 75,3 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	Лойиха-смета ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш. Тендер савдоларини ўтказиш. Технологик ускуналарни етказиб бериш. Модернизация қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш. Жаҳон банки билан биргаликда лойиҳанинг 2-босқичини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича музокаралар олиб бориш.	2019 йил февраль 2019 йил декабрь 2020 йил май 2020 йил декабрь 2019 йил декабрь	Давлат инвестиция қўмитаси (<i>Вафаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Хайдаров</i>), «Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>)
12.	Саримой аҳоли пункти — Тахиатощ ИЭС — Хоразм ПС 220 кВ ли электр узатиш линияси қурилишини тугатиш.	258,5 млн. АҚШ долл. ш.ж., 150 млн. долл. — ОТБ маблағлари, 72,7 млн. долл. — Давлат бюджет маблағлари, 35,8 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	6-лот бўйича тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва ОТБ билан келишиш. 6-лот бўйича тендер савдоларини эълон қилиш. 2-лот бўйича эълон қилинган тендер савдоларида ғолиб бўлганларни аниқлаш ва шартномалар тузиш. Қурилиш майдончасига электр ускуналари ва материалларни етказиб бериш. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш.	2018 йил ноябрь 2018 йил декабрь 2019 йил март 2019 йил октябрь 2019 йил ноябрь	Давлат инвестиция қўмитаси (<i>Вафаев</i>), «Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), Молия вазирлиги (<i>Хайдаров</i>)

13.	7,1 минг км электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш.	835,9 млн. АҚШ долл. ш.ж., 609 млн. долл. — ХМИ ва ХХМТ маблағлари ҳисобига қайта молиялаштиришни қўшган ҳолда тижорат банклари кредитлари, 226,9 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ томонидан жалб қилинадиган маблағлар	2019-2020 йилларда «Обод қишлоқ» Давлат дастури бўйича ажратилган маблағларнинг камида 100 млн. АҚШ долларини паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилишга йўналтириш масаласи бўйича халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб бориш.	2018 йил декабрь	Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)
III. ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш					

14.	<p>ЭЭҶО ва НҚАТ маълумотларини қайта ишлаш республика ягона марказини ташкил этиш.</p>	<p>Маблағлар миқдори ва манбаи аниқланмоқда (ЭЭҶО ва НҚАТ 1-босқичи бўйича ОТБ томонидан ажратилган маблағларнинг тежаб қолинган қисми ҳисобидан)</p>	<p>ЭЭҶО ва НҚАТ 1-босқичи бўйича халқаро тендерда аниқланган пудратчи-компания билан ЭЭҶО ва НҚАТ маълумотларини қайта ишлаш республика ягона маркази учун ахборот дастурини, сервер ва тармоқ ускуналарини харид қилиш юзасидан музокаралар олиб бориш. ЭЭҶО ва НҚАТ 1-босқичи лойиҳасини амалга ошириш доирасида Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағларнинг тежаб қолинган қисми ҳисобидан пудратчи-компания билан ЭЭҶО ва НҚАТ маълумотларини қайта ишлаш республика ягона марказини ташкил қилиш бўйича кўшимча шартнома имзолаш. Кўшимча шартномани Давлат инвестиция қўмитасида рўйхатдан ўтказиш.</p>	<p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p>	<p>«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Давлат инвестиция қўмитаси (Вафоев), Мажбурий ижро бюроси (Кудратходжаев)</p>
-----	--	---	---	---	--

15.	Бухоро, Жиззах ва Самарканд вилоятларида ЭЭҲО ва НҚАТ 1-босқичи лойиҳасини жорий этиш доирасида ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш ишларини жадаллаштириш.	207,4 млн. АҚШ долл. ш.ж., 150 млн. долл. — ОТБ маблағлари, 32,2 млн. долл. — ЎзРТТЖ маблағлари, 25,2 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	Кўшимча ходимларни жалб қилган ҳолда, 2019 йилда 1 млн. ва 2020 йилнинг I ярим йиллигида 400 минг дона ҳисоблаш ускуналари билан таъминлаш ва ўрнатилишини туман ҳамда маҳаллалар кесимида бажарилишининг ойлик ва ўн кунлик жадвалларини тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш.	2018 йил декабрь — 2020 йил июнь	«Ўзбекэнерго» АЖ <i>(Мустафоев),</i> Мажбурий ижро бюроси <i>(Кудратходжаев)</i>
-----	---	--	---	-------------------------------------	---

16.	<p>ЭЭҶО ва НҚАТ 4-босқичини жорий этиш бўйича техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>476,6 млн. АҚШ долл. ш.ж., 300 млн. долл. — ОТБ маблағлари, 73,8 млн. долл. — Давлат бюджети маблағлари, 102,8 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари</p>	<p>Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш бўйича «Ўзинжиниринг» РЛИ билан шартнома тузиш. Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлардан 300 млн. АҚШ долларини республиканинг қолган ҳудудларида «ЭЭҶО ва НҚАТ 4-босқичи» лойиҳаси бўйича электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари ҳамда кўшимча ускуналарни харид қилиш юзасидан музокаралар олиб бориш. Осиё тараққиёт банки, Мажбурий ижро бюроси ва «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари ҳисобидан маълумотларни қайта ишлаш республика ягона марказини ташкил этиш ва республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш учун ҳисоблаш ускуналарини харид қилиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг техник-иқтисодий</p>	<p>2018 йил ноябрь 2018 йил ноябрь 2018 йил ноябрь-декабрь 2019 йил январь</p>	<p>«Ўзинжиниринг» РЛИ (<i>Уразаев</i>), «Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), Давлат инвестиция қўмитаси (<i>Вафаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Хайдаров</i>), Мажбурий ижро бюроси (<i>Кудратходжаев</i>)</p>
-----	---	--	--	---	---

			асосини экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.		
17.	Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан танлов асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифлари асосида электр энергиясини ҳисоблаш ҳамда қўшимча ускуналарни харид қилишни параллел молиялаштириш учун 2019 йилда 500 млрд. сўм миқдорда маблағлар ажратиш.	500 млрд. сўм Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари ҳамда қўшимча ускуналарни харид қилиш бўйича шартномалар тузиш. Пул маблағларини ажратиш жадвалларини Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси билан келишиш. Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси томонидан маблағларни ажратиш.	2018 йил ноябрь 2018 йил ноябрь жадвал асосида	«Ўзбекэнерго» АЖ (<i>Мустафоев</i>), Мажбурий ижро бюроси (<i>Кудратходжаев</i>)
IV. Молиявий ҳолатни яхшилаш тадбирлари					

18.	Дебитор қарздорликни қисқартириш ҳисобига электр энергияси тўловларини йиғиб олиш даражасини ошириш.	Электр энергияси учун тўловларни йиғиб олиш даражасини ошириш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Ҳар ойда жойларга чиқиш даражасини оширишни таъминлаш. «Ўзбекэнерго» АЖ ходимларини, шунингдек, кўшимча равишда шартнома асосида ишчиларни жалб қилиш. Энергия ресурслари истеъмолининг реал ҳажмини ва унинг шартномада кўрсатилган ҳажмга, шунингдек, амалга оширилган тўловларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида турар ва нотурар объектлар фондини тўлиқ хатловдан ўтказишни яқунлаш.	2018 йил 5 декабрь ҳар ойда 2018 йил ноябрь 2019 йил 1 январь	Мажбурий ижро бюроси (Кудратходжаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)
-----	--	---	--	--

19.	500 кВтли «Сурхон-Пули-Хумри» ЭУЛ линияси қурилишини тугатган ҳолда, электр энергетика тармоғининг экспорт салоҳиятини ошириш.	150 млн. АҚШ долл. ш.ж., 118 млн. долл. — Афғонистон томони маблағлари, 32 млн. долл. — «Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш. Тадқиқот олиб бориш учун мутахассисларнинг жўнаб кетиши муддатларини Афғонистон томони билан келишиш. Ўзбекистон ҳудудида электр тармоқларининг қурилиши ишларини яқунлаш.	2018 йил октябрь 2018 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Султонов), Молия вазирлиги (Кўчқоров), ТИВ (Иргашев), ТСВ (Ходжаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)
20.	Аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини, айниқса куз-қиш мавсумида электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш юзасидан чоратадбирларни қабул қилиш.		Қўшни давлатлардан электр энергиясини импорт қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2018 йил ноябрь	Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)
21.	«Чорвоқ ГЭС гидрогенератор ускуналарини модернизация қилиш ва ишчи ғилдирақларини алмаштириш» инвестициявий лойиҳасини молиялаштириш учун илгари берилган кредитни «Ўзбекэнерго» АЖдан «Ўзбекгидроэнерго» АЖга қайта расмийлаштириш.		Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда тегишли тижорат банки билан биргаликда кредит шартномаларига ўзгартиришлар киритиш. Ўзбекистон Республикаси кафолатини қайта расмийлаштириш.	2018 йил ноябрь	ЎзРТТЖ (Вафаев), Молия вазирлиги (Кўчқоров), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов)

	млн. АҚШ долл	млрд. сўм 500,0
Лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари шундан:		
Ўзбекистон Республикасининг имтиёз ва преференциялар қўринишидаги улуши	4 826,9	0
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	611,7	0
тижорат банклари кредитлари	668,1	0
«Ўзбекэнерго» АЖ маблағлари	653,5	500
Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари	603,9	0
Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари	0	0
халқаро молия институтлари маблағлари	2 240,1	
халқаро ташкилотлар грантлари	49,6	

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПФ-5761-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.07.2019 й., 06/19/5761/3398-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарорига
2-ИЛОВА

Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар

РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Муддатлар	Масъул ижрочилар
I. ХМИ техник кўмаги билан электр энергетикаси тармоғини реструктуризация қилиш ва институционал ислохотларни амалга ошириш				
1.	Жаҳон банкининг техник кўмагида электр энергетикасининг амалдаги тузилмасида электр таъминотининг бутун ҳалқаси (электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотиш) бўйича сектор бошқарувидаги, норматив-ҳуқуқий асосларидаги муаммоларни аниқлаш юзасидан таҳлил ўтказиш.	Таҳлилий материаллар	2018 йил декабрь	Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев), Молия вазирлиги (Хайдаров), «Ўзбекэнерго»АЖ (Мустафоев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов)
2.	Жаҳон банкининг техник кўмагида республика шароитларида қўлланилиши мумкин бўлган электр энергетика соҳасидаги энг яхши халқаро амалиётларни қиёсий таҳлил қилиш.	Таҳлилий материаллар	2019 йил январь	Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев), Молия вазирлиги (Хайдаров), «Ўзбекэнерго»АЖ (Мустафоев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов)

3.	<p>Жаҳон банкининг техник кўмагида электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш (реструктуризация) моделини амалга ошириш бўйича батафсил «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</p>	<p>2018 йил декабрь</p>	<p>Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев), Молия вазирлиги (Хайдаров), Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), «Ўзбекэнерго»АЖ (Мустафоев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов)</p>
4.	<p>Осиё таррақиёт банки ва Жаҳон банкининг техник кўмагида электр энергетикаси тармоғидаги тариф сиёсатини такомиллаштириш, шу жумладан: молиявий аҳволни баҳолаш, электр энергетикаси тармоғи корхоналарини молиявий соғломлаштириш режасини ишлаб чиқиш (Осиё таррақиёт банки); илғор халқаро амалиётдан келиб чиқиб, электр энергетикаси тармоғи учун тариф моделини тайёрлаш (Жаҳон банки); электр энергиясига тарифларни шакллантириш методологияси лойиҳасини тайёрлаш (Осиё таррақиёт банки).</p>	<p>Таҳлилий материаллар</p> <p>Таҳлилий материаллар</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2018 йил декабрь</p> <p>2018 йил декабрь</p> <p>2019 йил март</p>	<p>Молия вазирлиги (Хайдаров), Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев), «Ўзбекэнерго»АЖ (Мустафоев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов)</p>

5.	<p>Осиё таракқиёт банкининг техник кўмагида: энергия ресурсларига ўсиб бораётган талабни кондириш учун Жаҳон банки иштирокида ишлаб чиқариш қувватларини 2030 йилгача энг кам харажат ҳисобига кенгайтириш; узатиш ва тақсимлаш объектларини ва инфратузилмаларини кенгайтириш ҳамда модернизация қилиш; муқобил энергия манбалари (гидро, қуёш, шамол ва атом) улушини ошириш орқали электр энергияси ишлаб чиқарилишини диверсификация қилиш бўйича узоқ муддатли инвестициявий дастурларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</p>	<p>2019 йил июнь</p>	<p>Давлат инвестиция қўмитаси (Қудратов), Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев), Молия вазирлиги (Хайдаров), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов), ЎЗРТТЖ (Вафаев)</p>
6.	<p>Жаҳон банки гуруҳи техник кўмагида қайта тикланувчи энергия манбаларини комплекс ривожлантириш бўйича куйидагиларни ўз ичига олувчи таклифларни тайёрлаш: Навоий вилоятида танлов асосида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш; тизимнинг ишончли ва мувозанатли ишлашини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш ва тавсияларни ишлаб чиқиш орқали қайта тикланувчи энергетиканинг мамлакат электр энергетикаси тизимига интеграцияси таъсирини ўрганиш; қайта тикланувчи энергетика соҳасида норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</p> <p>Таҳлилий материаллар</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, техник ҳужжатлар</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>2019 йил март</p> <p>2018 йил декабрь</p> <p>2019 йил июнь</p>	<p>Иқтисодиёт вазирлиги (Ниёзматов), Молия вазирлиги (Хайдаров), Адлия вазирлиги (Давлетов), Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)</p>

<p>7. Электр энергиясини ишлаб чиқариш (генерацияси)га хусусий капитални жалб қилиш ҳамда электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш вазифаларини хусусий операторларга топшириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига давлат улушини тобора қисқартириб бориш, бунда қуйидагиларни назарда тутиш: хусусийлаштириш, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида хусусий операторларга ишончли бошқарувга топшириш учун тавсия этиладиган корхоналар рўйхати (кейинги ўринларда — рўйхат)ни шакллантириш ва тасдиқлаш; рўйхатга киритилган корхоналарнинг ҳолатини баҳолаш учун техник ва молиявий аудит ўтказиш; халқаро консултантлар билан биргаликда тегишли танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича техник вазифаларни тайёрлаш; хусусийлаштириш, ДХШ асосида хусусий операторларга ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловлар эълон қилиш ва ўтказиш; танлов натижаларига кўра инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2018 йил декабрь</p> <p>2019 йил апрель</p> <p>2019 йил июнь</p> <p>2019 йил сентябрь</p> <p>тармоқ жадвалига асосан</p>	<p>Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича Комиссия (Арипов), вазирлик ва идоралар</p>
---	---	---	---

8.	<p>Европа тикланиш ва таракқиёт банкининг техник кўмагида электр энергетикаси тармоғи корхоналарида корпоратив бошқарувнинг қуйидагиларни назарда тутувчи замонавий шакл ва усулларини жорий этиш: Кузатув кенгашлари таркибига профессионал бошқарувчилар (менеджерлар)ни, шу жумладан, нуфузли хорижий ташкилотларда иш тажрибасига эга ва хорижда таълим олганларни жалб қилиш; бошқарув, сифат назорати, молиявий ҳисоботлар ва операцион менежментнинг халқаро стандартларини жорий қилиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2019 йил март</p>	<p>«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Давлат рақобат қўмитаси (Шарипов), Молия вазирлиги (Хайдаров), Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев)</p>
9.	<p>Маҳаллий электр энергия бозори иштирокчиларини тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида ваколатли давлат органини ташкил этиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳалари</p>	<p>2018 йил декабрь</p>	<p>Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзаев), Молия вазири (Хайдаров), Давлат рақобат қўмитаси (Шарипов), Адлия вазирлиги (Жураев), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), «Ўзбекнефтегаз» АЖ (Ашрафханов), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (Сангинов)</p>
10.	<p>Жаҳон банки кўмагида корхонани бошқариш тизимини (ERP) жорий этиш йўли билан «Ўзбекэнерго» АЖнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини ошириш.</p>	<p>Корхонани бошқариш тизимини (ERP) жорий қилиш бўйича «Йўл харитаси»</p>	<p>2019 йил февраль</p>	<p>«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков)</p>
<p>II. Электр энергетика тармоғида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш</p>				

11.	Европа тикланиш ва тараққиёт банкини жалб этган ҳолда электр энергетикаси тармоғида лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш шартлари ва механизмларни ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари	2019 йил март	Молия вазири (Кучкаров), Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаев), Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), Давлат рақобат қўмитаси (Шарипов), «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)
12.	«Ўзбекэнерго» АЖнинг улушини «Ангрен ИЭС» АЖ ва «Янги Ангрен ИЭС» АЖ ишончли бошқарувига топшириш бўйича таклифлар киритиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил март	«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), Давлат инвестиция қўмитаси (Вафаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаев), Давлат рақобат қўмитаси (Шарипов)
13.	Жаҳон банкининг техник кўмагида электр энергияси, шу жумладан, муқобил энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ягона энергетика тизимига улаш регламентини ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил март	«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев), «Ўздавэнергоназорат» ДИ (Исакулов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарорига
3-ИЛОВА

Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича Комиссия

ТАРКИБИ

1. А.Н. Арипов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Комиссия раиси
2. А.С. Султанов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
3. Ж.А. Қўчқоров — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири, Комиссия раиси ўринбосари
4. Б.М. Мавлонов — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари
5. Г.К. Саидова — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари
6. Ш.А. Вафаев — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори
7. Ш.Я. Исмаилов — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг шуъба мудир
8. А.Я. Хайдаров — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари
9. М.М. Мирзаев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари

10. Н.Ш. Шарипов — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
11. Д.А. Исакулов — Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи
12. Б.Б. Ашрафханов — «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси
13. У.М. Мустафоев — «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси
14. А.А. Сангинов — «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси
15. Б.Б. Сидиков — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси департаменти мудири, Комиссия масъул котиби

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПК-3981-сон қарорига 4-ИЛОВА

«Ўзбекэнерго» АЖ лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун ажратилган, қайта молиялаштирувчи банкларнинг мажбуриятларини реструктуризация қилиш билан якуний тўловлар муддатлари 3 йилга узайтириладиган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитларининг

РЎЙХАТИ

млн. АҚШ доллари

Т/р	Лойиҳалар номи:	Жами кредит суммаси, жумладан		Асосий қарз суммаси			
		расмийлаштирилган кредит суммаси	ажратилган кредит суммаси	жами	жумладан		
					2019 йил	2020 йил	2021 йил
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ							
1.	Янги-Ангрен ИЭСнинг 1 — 5-рақамли энергоблокларини йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш (1-босқич)	51,3	48,3	9,6	6,4	3,2	
2.	Тахиатош ИЭСда 230 — 280 МВт қувватга эга 2 та Буғ-газ қурилмасини қуриш	230,7	16,6	16,6			16,6
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки							
3.	Навоий ИЭСда Буғ-газ қурилмасини қуриш	282,8	282,8	94,7	27,3	27,3	40,1
4.	Тошкент ИЭСда 370 МВт қувватга эга Буғ-газ қурилмасини қуриш	76,2	76,2	30,6	10,2	10,2	10,2
5.	Толимаржон ИЭСни 450 МВт қувватга эга 2 та Буғ-газ қурилмасини қуриш билан кенгайтириш	240,9	202,6	57,9	19,3	19,3	19,3

6.	«Ғузур-Сурхон» йўналиши ва «Сурхон» кичик станциясида 500 кВ юқори кучланишли автотрансформаторни қуриш	46,2	24,0	1,0			1,0
ЖАМИ		928,1	650,5	210,4	63,2	60,0	87,2

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2018 й., 07/18/3981/2092-сон; 14.02.2019 й., 07/19/4189/2609-сон, 10.07.2019 й., 06/19/5761/3398-сон)